

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ
ВАЗИРЛИГИ
МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ҚЎҚОН ДАВЛАТ
ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

5А 141101-“Ўзбек тили” мутахассислиги бўйича
магистрлик диссертациясини ёзиш учун

УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА
(тавсия)

Қўқон -2010

5А 141101-“Ўзбек тили” мутахассислиги бўйича магистрлик диссертациясини ёзиш учун услубий қўлланма (тавсия). (қайта ишланган ва тўлдирилган 2- наشري)

Тузувчи: филология фанлари номзоди, доцент
Муҳаммаджон Бошмонов

Ушбу услубий тавсия 5А141101 - “Ўзбек тили” мутахассислиги бўйича таҳсил олаётган магистрантлар ва уларнинг илмий раҳбарлари учун мўлжалланган.

Услубий қўлланма Муқимий номидаги Қўқон Давлат Педагогика институти ўқув - услубий Кенгашининг 2006 йил 28 - мартдаги № 6 йиғилишида кўриб чиқилган ва нашрга тавсия этилган.

Масъул муҳаррир: филология фанлари доктори, профессор
О. Бозоров

Такризчилар: филология фанлари номзоди, ҚДПИ ўзбек
тилшунослиги кафедраси мудири
Ш. Акрамов
Педагогика фанлари номзоди, доцент
М. Толипов

СЎЗ БОШИ

Ушбу услубий қўлланма - тавсиянинг асосий мақсади 5A141101 - “Ўзбек тили мутахассислиги” бўйича таҳсил олаётган магистрантларга диссертация ишини бажаришда риоя қилишлари лозим бўлган қоидаларни аниқлаб беришдир. Унда магистрлик диссертациясига қўйиладиган услубий талаблар билан бирга умумий тилшунослик, жумладан, ўзбек тилшунослиги фанининг ҳозирги тараққиёти билан шартланувчи, “Ўзбек тили” мутахассислиги учун лозим бўладиган илмий - назарий талабларга ҳам эътибор қаратилди.

Услубий тавсия “Ўзбек тили” мутахассислиги бўйича таҳсил олаётган магистрантлар ва уларнинг илмий раҳбарлари учун мўлжалланган. Ундан номзодлик диссертациясини ёзаётган аспирантлар, битирув - малакавий ишини ёзаётган бакалаврият битирувчилари, курс ишларини ёзаётган талабалар, шунингдек, тилшунослик бўйича илмий - ижодий ишларни шакллантириш масалалари билан қизиқувчи барча шахслар ҳам фойдаланишлари мумкин.

Услубий қўлланманинг 2-нашри дастлабки унинг 2006-йилдаги нашридан фарқли ўлароқ, қайта ишланди. Унга магистрлик диссертацияларини ёзишда электрон

адабиётлар билан ишлашга доир тавсиялар ҳам киритилди. Шунингдек, ундаги “Илмий тажрибани ташкил қилиш ва амалга ошириш”, “Магистрлик диссертацияси ҳимояси учун сўзга чиқишга тайёрланиш” бўлимлари янги маълумотлар билан тўлдирилди.

1. КИРИШ

1.1. 5А 141101 -“Ўзбек тили” мутахассислиги бўйича ёзилган магистрлик диссертацияси (қисқача МД) талабани олий маълумотли мутахассис сифатида тайёрлаш ишининг хотимаси бўлиб, уни шу соҳадаги масалаларни тил фанининг сўнгги ютуқлари, шунингдек, илмий - техник тараққиёт даражасида ҳал қила олувчи билим, кўникма ва малакаларга эга бўлганлигини билдиради. Шунга мувофиқ, МД нинг мазмуни, шакли, ҳажми ва жиҳозланишига нисбатан муайян талаблар қўйилади.

1.2. Мазкур услубий тавсиянинг мавжудлиги талабаларни диссертация ишига ва магистрантга қўйиладиган талаблар билан барвақт таништиришга имкон беради. Бу эса, ўз навбатида, магистрлик диссертациясини ёқловчининг касбий билим ва малакаларини оширишга тегишли шарт - шароитларни юзага келтиради.

2. МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ ҲАҚИДА УМУМИЙ ТУШУНЧА

2.1. Магистрлик дастури бажарилишининг якуни Давлат Шаҳодат Комиссияси (ДШК) олдида “магистр” даражасини олиш учун диссертация ёқлаш ҳисобланади.

Магистрантларга ўзбек тили соҳасида касбий фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи магистр дипломи берилади.

2.2. Магистрлик диссертацияси (МД) танланган мавзу бўйича илмий ёки илмий - услубий нуқтаи назардан ишлаб чиқилган, олиб борилган тадқиқот иши натижаларини акс эттирувчи якуний илмий ишдир. Бу иш замонавий фан, таълим тараққиёти талабларига мос бўлиши лозим. Унинг мавзуси ўзбек тили фанига доир энг муҳим, аниқ илмий ёки илмий - услубий муаммони ҳал этишга қаратилган бўлиши лозим.

2.3. МД мазмуни ўқитиш дастурига, бинобарин, мутахассислигига мос бўлиши керак. У шахсининг мутахассис сифатида чуқур билимга эга бўлган, ўз касбининг устаси эканлигини намоён этувчи етук илмий иш бўлиши керак.

2.4. МД да илмий муаммоларни ечишда қуйидаги масалаларга эътибор берилиши лозим:

- тадқиқот мавзусининг долзарблиги;
- тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари;
- тадқиқот объекти;
- тадқиқот методологияси ва методлари;
- тадқиқот натижалари асосидаги илмий янгиликлар, таклифлар;
- тадқиқотнинг назарий ва амалий аҳамияти, қўлланилиш имкониятлари;
- тадқиқот натижаларининг синалиши;
- тадқиқотнинг тузилиши ва ҳажми.

2.5. МД Ўзбекистон Республикаси Олий таълим стандартига мос бўлмоғи лозим.

2.6. Муддатида бажарилган МД илмий раҳбар ва кафедра аъзоларининг фикр - мулоҳазалари, шу соҳа мутахассисларининг (такризчи - оппонентларнинг) такризлари, шунингдек, магистр индивидуал иш режасининг бажарилиши ҳақидаги маълумотномалар билан ДШК га тақдим этилади.

2.7. МД химояси очик тарзда бўлади. Химояни ўтказиш вақти, чора - тадбирлари Илмий Кенгаш томонидан белгиланади.

2.8. Химоядан сўнг диссертациянинг асл нусхаси сақлаш ва фойдаланиш учун олий ўқув юрти (ОЎЮ) кутубхонасига топширилади. Зарур ҳолларда ундан нусха кўчирилади.

2.9. МД да олинган илмий натижалар ва иш юзасидан босилиб чиққан илмий асарлар Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг (ОАКнинг) номзодлик диссертациялари талабларига жавоб берган ҳолларда ДШК ва ОЎЮ Илмий Кенгаши қарорлари асосида МД қайта ишланиб, белгиланган тартибда номзодлик диссертацияси сифатида ёқлашга ОЎЮ раҳбарияти ОАК дан рухсат сўраши мумкин.

3. МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

3.1. МД талаба таҳсилининг якуни бўлиб ҳисобланади. Бу босқичда талаба ўқув дастурига кўра илмий изланиш ва илмий педагогик фаолиятни ўтагач, ҳозирги замон тил фани ҳамда таълими олдида қўйилган

масалаларни ҳал қилишга доир экспериментал ва назарий изланиш ишларини мустақил ўтказди. Улар асосида илмий хулосалари акс эттирилган диссертация ёзади.

3.2. МД асосида ДШК талабага мутахассислик дипломи бериш масаласини ҳал этади. Шунга кўра диссертацияга нисбатан маълум талаблар қўйилади.

3.3. Диссертация сифати ва савияси муаллифнинг танланган соҳа бўйича яхши тайёрланганлигини, кенг қамровдаги билим ва тушунчага эгалигини, шу соҳанинг назарияси ва методикасини яхши эгаллаганини кўрсатиши керак.

3.4. Диссертация икки йиллик кузатиш, изланиш натижаларини ўз ичига олган бўлишига қарамай, маълум даражада тугалликка, мустақил илмий хулосаларга эга бўлиши керак. Шунингдек, диссертацияда илмий изланишнинг янги элементлари, илмий адабиётлардаги хулосаларнинг янгича таҳлили, изчил ва умумлаштирилган маълумотлар бўлиши лозим.

3.5. МД нинг тузилиши ва таркибий қисмлари муайян талабларга жавоб берадиган бўлиши керак. МД замонавий адабий тилда фаннинг мазкур тармоғида ишлатиладиган қоидаларга риоя қилинган ҳолда саводли ёзилиши керак. Ҳажми машинкада 40-50 бетдан ошмаслиги керак.

Ижтимоий, жумладан, ўзбек тили фанига доир ёзиладиган МД ҳажми, ўрни билан, 50-60 бет бўлиши ҳам мумкин.

4. МАВЗУ ТАНЛАШ ВА РЕЖА ТУЗИШ

4.1. МД ни бажариш жараёни мавзу танлаш, адабиётларни ўрганиш, керакли фактлар, мисолларни тайёрлаш, илмий изланишни ўтказиш, расмийлаштириш, ҳимоя каби 6 та босқични ўз ичига олади. МД мавзуси талабанинг илгари ёзган реферати, курс иши мавзусининг давоми бўлиши ҳам мумкин.

4.2. Раҳбар магистрантга берилган МД нинг мавзусига мос ишни бажаришга мўлжалланган топшириқлар беради. Илмий раҳбар ва магистрант биргаликда танланган мавзунинг бажаришга мўлжалланган магистрантнинг шахсий иш режасини туздилад. Шахсий иш режа факультет Илмий Кенгаши томонидан тасдиқланади.

Топшириқ матни икки нусхадан иборат бўлиб, бири магистрантга топширилади, иккинчиси кафедрада сақланади.

4.3 МД га алоқадор шахсий иш режа тузиб олинган, у асосида раҳбар ва талаба топшириқларни босқичма - босқич

бажарилиши ва муддатлари аниқ кўрсатилган муқобил режа тузиб олишлари ҳам мумкин.

4.4. Сифатли тузилган режа магистрант ишига қўлланма ва ишни бошлашга асос бўлади. У магистрантнинг куч ва имкониятларини тўғри тақсимлаш, ишнинг босқичларини вақтида бажариш имконини беради. Режа магистрант илмий фаолиятини осонлаштириш ва тезлашгириш мақсадида тузилади, аксинча эмас. Шунинг учун, айрим ҳолларда мавзу моҳиятига путур етмаган ҳолда режага ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

4.5 Тасдиқланган МД мавзусини иш давомида асоссиз ўзгартириш ман этилади, истисно сифатида бўладиган жиддий ўзгартиришлар ҳам атрофлича асосланиши лозим.

4.6. МД учун мавзулар мутахассислик доирасида, яъни ўзбек тили фанининг барча бўлимлари, жумладан, ўзбек тилининг фонетикаси, лексикаси, морфологияси, синтаксисига, шунингдек, ўзбек диалектологияси, ўзбек тили тарихи, ўзбек тилшунослиги тарихига доир долзарб бўлган муаммолардан танланади.

5. ИЛМИЙ АДАБИЁТЛАР БИЛАН ИШЛАШ

5.1. Ҳар қандай илмий текшириш, одатда, шу соҳага оид илмий адабиётларни ўрганишдан бошланади ва бутун иш жараёнида унга амал қилинади.

5.2. Магистрант мавзуга доир чоп этилган барча материалларни сикчиклаб ўрганади, мўлжалланган адабиётларни, реферат ва ойномаларнинг сўнгги бир неча йиллигини кўриб чиқади, шундан сўнггина адабиётлар рўйхатини тузишга киришади.

5.3. МД нинг мавзуига оид кундалик маълумотларни шу соҳага доир илмий журнал саҳифаларидан кузатиб бориш орқали олиш мумкин. Улар Навоий номли Республика кутубхонасида, Республика илмий -техникавий кутубхонасида, Фанлар академияси ва ЎзМУ кутубхоналарида, ОЎЮ кутубхоналарида мавжуд.

5.4. Маълумотлар каталог картотекалари учун ишлатиладиган, халқаро андозадаги (7.5x12,5 см) форматга ёзиб борилиши керак.

Картотека карточкаларини исталган тартибда жойлаштириш зарур бўлганда, МД нинг маълум боби учун керакли материалларни тез ажратиб

олиш мумкин. Картотекалар МД нинг бўлимлари, боблари бўйича жойлаштирилса, ўнғай бўлади.

5.5. Картотека қулай, аммо уни тузиш кўп вақтни, ундан фойдаланиш эса, изчилликни талаб этади. Лекин бу иш ўзини тез оқлайди, бу, айниқса, адабиётлар обзори ва унинг таҳлили даврида, унга доир адабиёт библиографиясини тузишда яққол кўзга ташланади.

5.6. МД тадқиқоти учун тегишли адабиёт тўплаб, библиография тузиш, мавзуга доир маълумотларни йиғиб саралаш, тизимлаштириш, умумлаштириш, тегишли илмий хулосалар чиқариш ва ҳал қилинмаган муаммоларни белгилаш лозим.

Адабиёт тўплашнинг энг қулай усули магистрантнинг доимо фойдаланувчи кутубхона манбаларидан ташқари тегишли илмий журналлардаги муҳим мақолаларни тўплаб боришидир.

Кўчирилган мақола нусхаларидан фойдаланиш қулай бўлсин десангиз, уларни МД нинг боблари бўйича жойлаштиринг. Бу усул магистрант вақтини тежайди, тегишли адабиётлар мажмуаси доим қўлида бўлади.

5.7. Адабиётлар билан ишлашнинг энг машаққатли босқичи уни батафсил ўрганиб чиқиш ва таҳлил қилишдир.

Бунда танланган адабиётни ўқиш, уни илмий ва методик таҳлил қилиш керак бўлади.

Муаммоларни, фикрларни ўз сўзларингиз билан қисқа ва лўнда ифодалашга ҳаракат қилинг. Агарда илмий адабиётларда илгари сурилган фикр - мулоҳазаларни ўз сўзингиз билан қисқача ифодамай олмасангиз, уларни қайта - қайта ўқиш керак бўлади.

5.8. Адабиётлардан олинган маълумотларни карточкаларга ёзиб бориш иши натижаларни, хулоса, фикр - мулоҳазаларни тез солиштириб кўриш ва қисқа муддат ичида илмий хулоса чиқариш имконини беради.

5.9. Талаба МД ни ёзишда танланган мавзу ёки йўналишнинг умумий тилшуносликдаги асос манбалари ёритилган адабиётларни ҳам ўрганмоғи лозим. Яъни у умумий тилшуносликнинг жаҳонга машҳур намояндалари, масалан, В. фон Гумбольдт, Ф. де Соссюр, Л. Ельмслев ва бошқа шу каби йирик намояндалар асарларини синчиклаб ўрганмоғи, уларга асосланмоғи лозим. У методологик мақомдаги бошқа фалсафий адабиётларга, жумладан, диалектик мантик, миллий истиқлол мафкураси, умумий система назарияси ҳақидаги адабиётларга ҳам асосланмоғи лозим.

6. ИЛМИЙ ТАЖРИБАНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ВА АМАЛГА ОШИРИШ

6.1. Илмий тадқиқот ишини олиб бориш усулини танлашдан олдин унга нисбатан қўйиладиган талабларни ишлаб чиқиш керак. Сўнг мазкур объектда мавжуд усулларни мукаммал, ҳар тарафлама чуқур ўрганиб чиқиш, ҳар бир усулнинг афзаллиги ва камчиликларини синчиклаб таҳлил қилиш лозим.

6.2. Тадқиқот натижаларини қайд қилиб бориш билан бир вақтда мазкур усулни изохлаб бормоқ, унинг бошқа усуллардан фарқига алоҳида эътибор бериш, афзаллиги ва камчиликларини аниқлаб кўрсатиш керак.

6.3. Тажрибани тўғри ташкил этиш тадқиқотда муваффақият гарови ҳисобланади. Дастлабки тажриба натижалари эса, унинг асоси қилиб олинган ғоя, фикр ва мулоҳазаларнинг тўғри ёки нотўғрилигини кўрсатади.

6.4. Кузатиш натижаларини қай йўсинда қайд қилиш кераклигини ҳам аввалдан белгилаб қўймоқ лозим, натижаларни ўзгаришсиз, ўша заҳоти иш дафтарига ёзиб бориш муҳим аҳамиятга эга. Бу ёзувлар аниқ ёзилиши, маълум вақт ўтгач, улардан фойдаланиш мумкин бўлиши керак.

6.5 Ҳамма ёзувларга саналарни қўйиб бориш, иш дафтарини эҳтиётлаб сақлаш, тажриба объектлари бўлган наъмуналарни уларнинг номи, тартиб рақами, тузилиши билан ёзиб бориш керак бўлади.

7. МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИНИ ЁЗИШ

7.1. Танланган мавзу юзасидан тўпланган адабиётлар ва шу мақсадда олиб борилган шахсий илмий - тадқиқот ишлари натижалари тўла - тўқис ўрганиб чиқилгандан сўнг диссертацияни ёзиш бошланади. Бунинг учун, аввало, материални ёзишда изчилликни таъминлашга имкон берадиган кенг қўламдаги иш режасини тузмоқ лозим. Изчиллик эса ишга ўрнатилган қонун ва қонуниятларга, шу асосдаги хулосаларга асосланган бўлиши керак.

7.2. МД қуйидаги режа асосида ёзилади:

1. Сўзбоши ўрнидаги ишнинг умумий тавсифи
2. Кириш
3. Боблардан иборат бўлган асосий қисм.
4. Хулоса.
5. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

7.3. Сўз боши ўрнидаги ишнинг умумий тавсифида мавзунинг долзарблиги, ишнинг мақсад ва вазифалари, методологияси ва методлари, илмий янгиликлари, назарий ва амалий аҳамияти, иш натижаларининг синалиши, унинг тузилиши ва ҳажмига доир масалалар ёритилади.

7.4. Киришда тадқиқот масаласининг фанда ўрганиш даражаси, унга доир асосий адабиётлар обзори, тадқиқотнинг мазкур илмий йўналишни ривожлантиришдаги ўрни масалаларига эътибор қаратилади.

7.5. Бобларни ўз ичига оловчи асосий қисмда тадқиқотнинг асосий ғоялари, ундаги тажрибаларнинг натижалари акс эттирилади. Боблар параграфлардан ташкил топган бўлади. Ҳар бир боб охирида боб бўйича хулосалар келтирилади.

7.6. Ишнинг хулоса қисмида магистрант кўлга киритган натижаларнинг энг ноёб тизими ва уларнинг фан, амалиёт учун аҳамияти баҳоланади. Шу жумладан, илмий, илмий - методик ва амалий тавсиялар берилади.

8. МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ

8.1. Материални баён этишда илмий тил аниқлиги муҳим аҳамиятта эга. Бошловчи тадқиқотчи шунинг унутмаслиги керакки, илмий ишда билимнинг ўзи ҳеч нарса бермайди, натижани баён этиш учун нутқий ва ёзма илмий савод керак. Илмий тадқиқот ишини ёзма баён қилиш, безаш масаласи ўз — ўзидан бўлмайди. Бунинг учун махсус тайёргарлик керак бўлади.

8.2. МД нинг титул варағида юқорида вазирлик ва ОЎЮ номи, кейинроқ эса факультет, кафедра номи ёзилади. Сўнгра алоҳида ҳарфлар билан ажратилиб, МД нинг мавзуси келтирилади. Кейин магистрантнинг исми - шарифи, илмий раҳбарнинг исми - шарифи, шунингдек, унинг илмий даража, унвонлари ёзилади. Сўнгра ҳимояга рухсат этилганлик ҳақида кафедра мудирининг имзосига алоқадор ёзувлар келтирилади. Титул варағининг охирида ишнинг бажарилган жойи (шаҳри) ва вақти (йили) қайд этилади. (Титул варағининг намунаси иловада берилган).

8.3. Мундарижанинг вазифаси МД нинг тузилмасини тўлиқ акс эттиришдир. Шунинг учун мундарижага МДнинг ҳамма сарлавҳалари: кириш, боблар номи, матнга мос параграфлар киритилиши керак.

Бир хил босқичдаги сарлавхалар, боблар, параграфлар ва параграфчалар мундарижада шундай жойлаштирилиши керакки, унда ҳар бир навбатдаги босқичнинг сарлавҳаси ўнг томонга қараб учта белгига сурилган бўлсин, ёзма ҳарф билан ёзилсин. Сарлавҳа охирида нуқта қўйилмайди.

МД мундарижаси сарлавҳа ва бети қўйилиб, ишнинг бошига жойлаштирилади.

8.4. Диссертацияда жуда кўп формулалар, ҳарфий белгилар ва рамзлар, индекслар қайта - қайта такрорланадиган бўлса, у ҳолда уларнинг умумий рўйхатини тузиш ва МД нинг бошида мундарижадан кейин жойлаштириш мақсадга мувофиқдир.

Шартли белгилар ва индекслар устун тарзида ёзилади ҳамда тире билан уларнинг мазмунидан ажратиб қўйилади.

8.5. МД даги ҳамма безаклар: графиклар, схемалар, диаграмма ва бошқалар шундай бўлиши керакки, МД матнини ўқимасдан унинг сарлавҳаси орқали тадқиқот хусусиятини тушуниш мумкин бўлсин. Ишдаги безакларни шундай тақсимлаш керакки, у бутун диссертация ичида тенг тақсимланган бўлсин.

8.6. Асарларни қайд қилиб боришнинг аниқ қоидаси мавжуд бўлиб, бу нашр этилган адабиётни библиографик қайд қилиш демакдир.

Магистрантлар бу қоидалар билан танишиб чиқиши ва мурожаат қилинадиган адабиётлар рўйхатини тузишда ундан фойдаланиши лозим.

Фойдаланилган монография, ойнома ёки мақолалар тўпламини топиш, излаш қулай бўлиши учун улар ҳақидаги маълумотлар зарур библиография элементларини тўла акс эттирган ҳолда бир хил қисқартмалар билан хатосиз келтирилади. Адабиётлар рўйхатида адабиёт қайси тилда бўлса, ўша тилда ёзилади.

9. МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ ҲИМОЯСИ УЧУН СЎЗГА ЧИҚИШГА ТАЙЁРЛАНИШ

Магистрант маърузасининг вақти чекланган бўлади. Унга ажратилган вақтдан унумли фойдаланмоқ ва ишнинг энг муҳим жойларига эътибор бериш керак. Маърузани қуйидагича тузиш мақсадга мувофиқ бўлади. Сўзнинг бошланиш қисмида тингловчилар диққатини илмий ишнинг моҳиятига қаратмоқ, сўнг қисқа тарзда тадқиқот мақсадини баён этган маъқул.

Шундан кейин тадқиқотни амалга ошириш учун танланган усулларнинг хусусиятлари, ютуқ ва камчиликлари ҳамда унинг шу кундаги фан талабларига мослиги ҳақида сўз юритилади.

Тадқиқот охирида эришилган натижалар, уларнинг ютуқ ва камчиликлари таҳлил қилинади.

9.2. Агар баён қилинадиган матн аввалдан тайёрланса, машқ қилиб кўрилган бўлса, сўзга чиқиш яхши натижа беради. Кўпчилик олдида сўзлашни кўзгу олдида туриб машқ қилган маъқул. Нутқни магнит лентасига ёзиб таҳлил қилиш фойдали. МД юзасидан қилинадиган маърузага шундай ишлов бериш керакки, натижада ажратилган вақтда МД нинг мазмунини , хлосасини қисқа , лўнда, ишонарли баён қилиш мумкин бўлсин. МД ни ёқлашдан олдин иш бажарилган факультетларда (кафедраларда) магистрантлар маърузаларини тинглаш тавсия этилади.

9.3. Сўзга чиққан вақтда баландроқ овозда, ҳар бир сўзни аниқ, равон қилиб, ДШК аъзоларига мурожаат шаклида сўзлаш керак.

9.4 Ишнинг муваффақиятини таъминлаш учун жадвал, тасвир ва бошқа шу сингари воситаларни тайёрлаб олиш зарур. Улар фойдаланиш ўрнига қараб рақамланиши лозим.

10. РАҲБАР ВА ТАҚРИЗЧИЛАРНИНГ ФИКР ВА МУЛОҲАЗАЛАРИ

10.1. Раҳбар МД нинг сўнги нусхасини маъқуллайди, иш ҳақидаги фикр — мулоҳазаларини билдиради.

Раҳбарнинг фикри, асосан, ишнинг мутахассисликка мослик даражаси тавсифига бағишланади.

Раҳбарнинг тавсифи қуйидаги саволларга жавоб бериши керак:

1. Магистрант МД мавзусини танлашда қай даражада онгли қатнашганлиги;

2. Ноёб адабий манбаларни, адабиётларни танлай билиш ва улар билан ишлаш малакасига қай даражада эғалиги, шу жумладан, чет эл адабиётларини ҳам;

3. Тадқиқот ишини олиб бориш давомида магистрантнинг мустақил ишлай олганлик даражаси;

4. Магистрантнинг илмий ишни юқори савияда расмийлаштириш, жамлаш малакаларини эгаллаганлиги даражаси ҳақида;

5. Магистрантнинг, зарур бўлганда, мустақил изланиш ишини олиб боришга тайёргарлиги ҳақида;

6. Магистрантнинг мутахассисликни эгаллаганлигига доир умумий баҳоси.

Тақризчи мутахассис магистрант билан шахсан суҳбатлашгач, МД билан танишиб чиққач, ёзма тақриз ёзишга киришади. Бу ишда у эркин иш тутиши мумкин.

10.2. Шу билан бирга, тақризчи қуйидаги саволларга жавоб бериши шарт:

1. МД мавзуси амалиёт ва назария учун муҳимми?
2. МД да ноёб илмий ёки амалий натижалар борми?
3. Қандай ютуқ ва камчиликлари бор?
4. Диссертация шакли, мазмуни, адабий жиҳозлари илмий иш талабларига жавоб берадими?
5. Магистрант назарий билимларини амалда қўллай олиш қобилиятини ўзида сезадими?
6. Иш натижаси ҳақиқатдан ҳам илмий -амалий аҳамиятга эгами?
7. МД умумий савиясининг баҳоси (аъло, яхши, қониқарли, қониқарсиз).

11. МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИНИНГ ҲИМОЯСINI ЎТКАЗИШ

11.1. МД нинг ҳимояси — магистрантнинг олий ўқув юртидаги сўнгги имтиҳонидир. Бу синов алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, ундан магистрантнинг олий

ўқув юртида илмий изланиш ишларини қанчалик ўргангани, илмий мунозаралар ва нотиқликни қанчалик эгаллагани синовдан ўтади. Бу текшириш босқичма — босқичдир. Дастлаб илмий раҳбар МД нинг талабга жавоб бериш - бермаслигини текширади. Биринчи кўрикдан ўтгач, белгиланган нуқсонлар ҳисобга олинган ҳолда иш оққа кўчирилиб, ҳимоядан 7—10 кун олдин мутахассислиги бўйича текшириш учун кафедрага топширилади. МД нинг ҳимоя муддати куни деканат томонидан аввалдан белгиланган бўлади. Иш кафедрада кўрилиб, натижаси деканатга маълум қилингач, ҳимояга рухсат этилиши ҳақидаги масала ҳал қилинади.

11.2. Агар масала ижобий ҳал этилса, тақриз қилувчи мутахассис (оппонент) тайинланади. МД ни баҳолашда холисликни таъминлаш мақсадида тақризчи мазкур иш бажарилган кафедранинг аъзоларидан эмас, четдан, бироқ шу соҳанинг мутахассислардан тайинланади.

11.3. МД нинг ҳимояси белгиланган Низом асосида ДШК йиғилишида ўтади. Бу мажлисга профессорлар ва ўқитувчилар, илмий жамоа вакиллари, таълим ва ишлаб чиқариш соҳалари ходимлари, талабалар таклиф қилинади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Государственный стандарт Республики Узбекистан. Государственная система стандартов непрерывного образования Узбекистана. Высшее образование. Требования к необходимому содержанию и уровню подготовки магистра по специальности 5А 141101 - «Узбекский язык» на базе направления бакалавриата 5141100- «Узбекский язык и литература», Издание официальное, Т., 2001.
2. Магистрлик диссертация ҳақида методик кўрсатма. Тузувчилар: Мамадалимов А. Т., Турсунов И.Г., М. Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети босмахонаси. Т., 2000.
3. Мухитдинов М., Потапов А. И. Подготовка и защита диссертации. Научно - методическое пособие, Т., 2005.
4. Правила оформления диссертации и автореферата. Ответственные за выпуск С. М. Зулунов, К. С. Султанов, Под редакцией проф. М. Мухитдинова, ВАК РУз, Т., 2004.

ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими Вазирлиги
Муқимий номидаги Қўқон Давлат педагогика
институти**

**Филология факультети
Ўзбек тилшунослиги кафедраси**

Магистрлик диссертациясининг мавзуси

Магистрант: _____

Илмий раҳбар: _____

Ҳимояга рухсат этилди:

Кафедра мудири

Қўқон -200___ йил

МУНДАРИЖА

Сўз боши	3
1. Кириш.....	4
2. Магистрлик диссертацияси ҳақида умумий тушунча.....	5
3. Магистрлик диссертациясига қўйиладиган талаблар	7
4. Мавзу танлаш ва режа тузиш.....	9
5. Илмий адабиётлар билан ишлаш	11
6. Илмий тажрибани ташкил этиш ва амалга ошириш	14
7. Магистрлик диссертациясини ёзиш	15
8. Магистрлик диссертациясини расмийлаштириш....	17
9. Магистрлик диссертацияси ҳимояси учун сўзга чиқишга тайёрланиш	19
10. Раҳбар ва тақризчиларнинг фикр - мулоҳазалари.....	21
11. Магистрлик диссертациясини ҳимоясини ўтказиш	22
12. Фойдаланилган адабиётлар	24
13. Илова	25

Босишга рухсат этилди: 28.03.2006
Ҳажми: 1,5 б.т.
Адади: 100 нусха
Қўкон офсет лабораториясида офсет усулида чоп этилди.

